O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI


# ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2003 йил 17 апрель, пайшанба № 47 (1779).

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 17 апреля, 2003 г. № 47 (1779).

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● В розницу — цена свободная.


## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари миллий маркази ҳамда Конрад Аденауэр жамғармаси ҳамкорликда ташкил этган қўшма семинар «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — Ўзбекистондаги ижтимоий жараёнларни демократлаштириш ва эркинлаштириш» мавзуига бағишланди.

Таниқли мутахассислар ва сиёсатшуносларнинг маърузаларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бу борада мониторинг ўтказиш, ижтимоий жараёнларни демократлаштириш, эркинлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар, муаммолар ва истиқболдаги вазифалар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Семинарда вилоят ҳокими Б. Рўзиев қатнашди.

**Ерқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

## Ҳамкорлик кенгаймоқда

Тошкентда Ўзбекистон ва Япония ўртасида ҳаво алоқаси тўғрисида ҳукуматлараро битимни расмий имзолаш маросими бўлиб ўтди.

2001 йилнинг 27 апрелида Тошкент—Осака йўналиши бўйича биринчи рейс амалга оширилган эди. Ўтган вақт давомида бу соҳада мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар янада мустаҳкамланди.

Япония Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги стратегик шерик деб ҳисоблайди. Бугунги кунда Япония инвестициялари ҳажми 1 миллиард 600 миллион АҚШ долларидан ортиқлиги бежиз эмас.

Таъкидлаш жоизки, Кунчиқар мамлакатга биринчи рейслар ҳафтада бир-икки марта амалга оширилган бўлса, ҳозир «Ўзбекистон ҳаво йўллари» компанияси ҳафтада учта рейсни амалга оширмоқда.

Иккала томон ҳам мазкур ҳужжатнинг имзоланиши иқтисод, савдо, фан-техника, таълим, сайёҳлик соҳаларидаги икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга янги туртки бўлишига умид билдирмоқда.

Ҳужжатни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори В. Тян ва Япония Ташқи ишлар вазирлиги Европа департаменти директори ўринбосари Чикахито Харида имзолади.

**Ж. РАУПОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш йўлида

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти органларининг жорий йил дастлабки чораги якунлари ва галдаги вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, солиқ ва валюта қонунчилигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар аниқланаётган ва қўзғатилган жиноий хатти-ҳаракатлар сонига қараб эмас, аввало, профилактика ва ҳуқуқ тарғиботи ишлари самарадорлигига боғлиқлиги боис, департамент органлари ходимлари бу масалага, айниқса, жиддий ёндашмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, солиқларни тўлашдан бош тортганлик ҳамда иқтисодиётга оид бошқа жиноятлар учун жазо муқаррарлиги тушунчасини тарбиялаш борасида солиқ тўловчилар билан мунтазам равишда учрашув ва семинарлар ташкил этиляпти.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда ҳуқуқ тарғиботи ва қонунлар моҳияти акс этган мақолалар ҳамда йўл қўйилаётган ҳуқуқбузарликлар юзасидан танқидий чиқишлар ҳам яхши самара бермоқда. Бундай ошкоралик ҳамда тармоқларда ўрнатилган ишонч телефонлари кўмагида солиқ тўловчилардан 950 миллион сўмдан зиёд маблағ ихтиёрий равишда давлат бюджетига тўланди.

Аммо амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай, айрим хўжалик юритувчи субъектлар томонидан даромадларни солиқдан яшириш мақсадида назорат касса машиналарини ишлатмай, тушумларни банкка топширмаслик ҳамда улгуржи савдо талабларини бузиш ҳоллари ҳамон учраяпти. Биринчи чорак якунига кўра 8,9 миллиард сўм миқдоридаги ана шундай 677 қонун бузилиши ҳолати аниқланди. Сифатсиз пахта ёғи, алкоголли ва турли хил озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқараётган 264 яширин цех фаолияти фош этилди. Ноқонуний муомалада бўлган кўплаб катта миқдордаги хорижий ва миллий валюта маблағлари аниқланиб, суриштирув ишлари олиб борилди.

Йиғилишда соҳада кадрлар касб-маҳоратини янада ошириш, иқтисод, солиқ ва валютага оид содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни тезда бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Божхона хизмати: якун ва режалар

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қўмитанинг шу йил биринчи чорагидаги фаолияти якунлари ва божхона органлари олдида турган долзарб вазифалар муҳокама этилди.

Қўмита раиси Б. Парпиев бошқарган ушбу йиғилишда жорий йилнинг биринчи чорагида божхона органлари томонидан мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, ички истеъмол бозорини сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, товар-моддий бойликлар, айниқса, озиқ-овқат, кундалик эҳтиёж моллари, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, рангли металларни қонунга хилоф равишда чегараларимиз орқали олиб ўтилишининг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Жумладан, кўрилган чора-тадбирлар натижасида белгиланган истиқбол режа кўрсаткичларининг бажарилиши таъминланиб, давлат бюджетига 63 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ундирилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда 23 миллиард сўм кўп демакдир.

Йиғилишда ходимлар орасида хизмат интизомини кучайтириш, шахсий таркиб сафларини таъмагир шахслардан тозалаш бўйича ҳам чора-тадбирлар кўрилаётгани қайд этилди. Божхона органларига иқтидорли, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий билимларга эга бўлган ёшларни жамлаш мақсадида жорий йил биринчи чорагида 234 нафар ходим хизматга қабул қилинди.

Йиғилишда божхона қонунчилиги бузилишининг олдини олиш, контрабандага қарши кураш, божхона тўловларини ўз вақтида ва тўлиқ ундириш борасидаги ишларни янада фаоллаштиришга оид вазифалар белгилаб олинди.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири,**

● СИНОВ МАШҒУЛОТЛАРИДАН ДАРАКЛАР



**Оддий аскар Муҳаммаджон Оллоберганов лейтенант Жўраев командирлик қилаётган гуруҳда энг аълочи аскарлардан ҳисобланади. У уста ўқчи. Мўлжални аниқ олади. Айни кунларда синов машғулотларидан муваффақиятли ўтяпти.**
**Александр МРУЧАК** олган сурат.

## Дастлабки кундан яхши натижа

Шахсий таркиб синов машғулотларини одатдагидек саф кўригидан бошлади. Унда посбонларнинг ташқи кўринишидан тортиб, уларга бириктирилган жанговар қурол-аслаҳа, анжомлар, шахсий ҳужжатлар ва ҳарбий бўлинманинг ўқув моддий базасига катта эътибор қаратилди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони подполковник А. Комилов бу борадаги хато-камчиликларни айтиб, тегишли йўл-йўриқлар кўрсатди ҳамда посбонларга синовларда муваффақият тилади.

Қисм ва бўлинмалар шахсий таркибидан синовларни қабул қилиш учун округ қўмондонлигининг тажрибали офицерларидан подполковниклар — О. Ражабов, М. Жамолов, Т. Махамбеталиев, майорлар — А. Бабаев, Е. Уббиниёзов, Д. Аллаёров, А. Юсупов ва Н. Абдуллаевлар киришишди. Яъни, улар Низом, ижтимоий-сиёсий ва жисмоний, тактик ва техник тайёргарликлар бўйича синовлар қабул қилишмоқда.

Синовларнинг дастлабки кунларида махсус бўлинма, мотоўқчилар, сапёрлар, тўпчилар ва зенитчилар жамоалари яхши натижаларни қўлга киритишаяпти.

**Шартнома бўйича хизмат сержанти Аманбай АРЗИЕВ.**
**(Нукус гарнизони).**

### *Телефон доверия*

В целях дальнейшего обеспечения социальной защиты военнослужащих и членов их семей, повышения организованности и порядка, устранения негативных явлений в воинских частях и учреждениях каждый военнослужащий может звонить по этим вопросам в Министерство обороны по «телефонам доверия» **с 9.00 до 19.00 ежедневно**:

**169-82-08** (Главное управление воспитательной работы);

**169-11-72, 169-86-82** (юридическая служба Министерства обороны).

Также в эти дни вы можете позвонить по телефону **169-84-38** (Управление призыва и подготовки резервистов Министерства обороны) и задать свои вопросы, касающиеся проходящей призывной кампании.

● ТЕХНИКЕ — ЗАБОТУ И ВНИМАНИЕ

# ПРОБЛЕМЫ РЕШАЕМ САМИ

Короткий инструктаж по соблюдению мер безопасности, и подчиненные заместителя командира батальона по вооружению майора Н. Пармонова разошлись по рабочим местам. Через несколько минут перевод техники на летний режим эксплуатации продолжился в том же темпе, что и в предыдущие дни. Благодаря хорошей подготовке и четкому планированию, каждый военнослужащий имел все необходимое для того, чтобы выполнить план-задание на день.

— Все механики-водители и техники подразделений в эти дни задействованы в парке, — подчеркнул, показывая работу на местах, майор Н. Пармонов. — Каждый выполняет свою задачу, а в 12.00 и 18.00 проходит проверка качества работы, вносятся необходимые коррективы, а также определяются лучшие на данный момент специалисты.

Среди лучших в подразделениях в этот день были названы механик-водитель БТР младший сержант Фарход Турдыев, оставшийся в своем взводе на службу по контракту, рядовой Рахмат Рахманкулов, отслуживший всего год, но благодаря окончанию школы ОСО «Ватанпарвар» не раз отличавшийся при ремонте и обслуживании техники, а также младший сержант по контракту Н. Сафаров, умело организующий работу подчиненных.

Немало теплых слов было сказано и в адрес командира мотострелкового взвода старшего лейтенанта Захида Наркузиева, выпускника ЧВТКИУ, который, понимая значение техники в современном бою, постоянно заглядывает в парк проверить качество выполнения работ, подсказать механикам-водителям, как лучше сделать ту или иную операцию, поощрить наиболее старательных воинов.

Посетивший на днях часть старший начальник обратил внимание на то, что все бронетранспортеры и автомобили батальона оснащены зеркалами заднего вида собственного изготовления. Увидел и похвалил за инициативу: здесь не только умеют грамотно ставить проблемы, но и сами находят способы их решения.

Любо-дорого посмотреть на БТР, на котором работа завершена: все обслужено, все на месте — буксирный трос, лом, лопата, топор — все блестит свежей краской, готово к немедленному использованию.

**Подполковник Владимир КАЛОШИН.**
**(Бухарский гарнизон).**

● КОНТРОЛЬНАЯ ПРОВЕРКА

# Верный подход — нужный результат

Выпускнику Ташкентского ВОКУ 2002 года лейтенанту Виталию Рассохину с первых дней его пребывания в части старшие товарищи неоднократно говорили: «Никогда не разделяй предметы обучения на основные и второстепенные, наверстать упущенное будет довольно сложно». Внял этим советам начинающий офицер и оказался в выигрыше. К главному экзамену учебного периода возглавляемая им группа подошла всецело подготовленная и демонстрирует отличные знания и навыки по всем дисциплинам. В первый же день проверки подчиненным офицера Рассохина предстояло держать ответ на контрольном занятии по защите от оружия массового поражения. Стрелка секундомера движется неумолимо быстро, но еще быстрее движения воинов, действия которых доведены до автоматизма.

Надевание противогаза — норматив из разряда не самых сложных, а потому личный состав справляется с ним легко. Но это лишь только начало.

— Защитный комплект — надеть! Газы! — звучит команда проверяющего, и все пришло в движение. Здесь важно не только уложиться в отведенное время, но и строго соблюсти очередность выполнения норматива. Однако и этот этап проходит без сучка и задоринки. Рядовые Мухитдин Джураев, Джурабек Абдурахманов, Ходирбек Хамраев раньше других делают шаг вперед, сигнализируя тем самым, что с поставленной задачей они справились. Вслед за ними завершают выполнение норматива рядовые Мухамаддин Дадаханов, Зайнитдин Холтураев. Замечаний у проверяющего нет, а это значит, что группа записала в свой актив немало отличных оценок, свидетельствующих о плодотворной работе ее командира.

— Для совершенствования навыков по ЗОМП,— говорит лейтенант Рассохин,— мы использовали не только часы, отведенные расписанием. Большим подспорьем были нам так называемые попутные тренировки. В ходе зимнего периода обучения довольно часто выходили на полевые занятия и по пути следования непременно отрабатывали нужные элементы. Так, шаг за шагом, набирались опыта, закрепляя его на практике.



И, как видим, такая практика полностью себя оправдала.

**Подполковник Ярослав КОРУКА.**

На снимке: **момент занятия по ЗОМП.**

Фото **автора.**

# Лейтенантлар муваффақиятга интилмоқда

Лейтенантлар Қобилжон Азимов ва Акмалжон Қодировларнинг ҳаёт йўллари, хизмат фаолиятларида бирбирига ўхшаш нуқталар жуда кўп.

Иккала сафдош ҳам 1979 йилда туғилишган, ота-оналарининг эрка фарзандлари. Болалик орзуларига эришиб, 2001 йили Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртини муваффақиятли тугатишган. Иккаласи ҳам тўпчилар дивизиони батареяси командири. Қобилжон капитан Азамат Рамазонов, Акмалжон эса капитан Давронбек Қўчқоров командирлигидаги дивизионда хизмат қилишади, интилишлари, ўй-фикрлари, мақсадлари доим ҳамоҳанг. Хизмат бурчига сидқидилдан ёндашиш, шахсий таркибнинг ҳар томонлама шаклланишига кўмаклашиш, машғулотдан машғулотгача касбий маҳоратни ошириб бориш уларнинг кундалик шиори. Айниқса, дала-ўқув машғулотларида иштирок этиш ёш офицерларнинг тажриба тўплашида катта аҳамият касб этмоқда.

Баҳорги синов машғулотлари олдидан улар ҳаётида яна бир қувончли воқеа рўй берди. Яъни, иккаласи ҳам кўргазмали тактик ўқув машғулотида фаол иштирок этиб, жанговар қуроллардан шартли нишонларга отишди. Тунги ва кундузги шароитда олиб борилган отиш машқларини Қуролли Кучларимиздаги энг тажрибали, маҳоратли тўпчи офицерлар кузатиб борганларини айтадиган бўлсак, ушбу машғулотларда қатнашиш қанчалик аҳамиятли эканини англаб етиш қийин эмас.

Хуллас, лейтенантлар хизмат жараёнида ўқиб-ўрганиб, йил сайин тобланишмоқда, касбий малакалари ошиб сафдошлар, устоз офицерлар назарига тушмоқда. Қобилжоннинг Марказий ҳарбий округда бўлиб ўтган ёш офицерлар йиғинига қисмдан делегат бўлиб боргани, Акмалжоннинг эса бир неча бор қисм командири томонидан рағбатлантирилгани сабаби ҳам шу.

Мана, бугунги кунда ёш офицерларнинг қишки ўқув мавсуми давомида нималарни ўрганганликларини, касбий тажриба ва кўникмаларини, батарея посбонларининг жанговар шайлиги юксаклигини кўрсатиш учун катта бир имконият пайдо бўлди. Баҳорги синов-имтиҳонлар айни авжида. Марказий ҳарбий округ қўмондони генерал-майор Исмоил Эргашев бошчилигидаги текширув комиссияси аъзолари қисм шахсий таркибидан барча тайёргарликлар бўйича имтиҳон олмоқдалар. Бунда ҳар бир аскар, шартнома бўйича хизматчи, офицер олган баҳо батарея, дивизион, қисмнинг умумий натижасига ижобий ёки салбий таъсир этиши шубҳасиз. Шунинг учун ҳам лейтенантлар ҳар бир синов машғулотига жуда катта масъулият, куйинчаклик билан ҳозирлик кўрдилар. Илк синов машғулотларида батареялар бўлинмалари командирлари, шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари — Жаъфар Мирзаев, Эгам Янгибоев, Эркин Эгамбердиев, Дилшод Пирназаров, Шерзод Ибрагимов каби тўпчи посбонлар юқори натижаларни қўлга киритаётганида ёш командирларнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

— Ниятимиз баҳорги синов машғулотларини «аъло» ва «яхши» баҳолар билан якунлаш. Ана ўшандагина кўнглимиз хотиржам, сафдошлар, командирлар олдида юзимиз ёруғ бўлади. Жонажон Ўзбекистонимизнинг муносиб ҳимоячиси эканлигимизни исботлаймиз.

Бу сўзлар — муваффақиятлар сари интилиб яшаётган юрт ўғлонларининг дил сўзлари. Қобилжоннинг ҳам, Акмалжоннинг ҳам бугунги режаси, мақсади. Тўғрироғи, улар сийратидаги, кўнглидаги яна бир ўхшашлик.

**Майор Азимбек УСМОНОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

## ИЛК ЮТУҚДАН РУҲЛАНИБ

Анвар Исроилов, Хуршид Исоқов, Азимжон Жумабоев каби оддий аскарларнинг синоволди машғулотларидан унумли фойдалана олганликлари яна бир бор тасдиқланди. Сафда ва якка шахдам юриш, командирга умумҳарбий Низом қонунқоидалари бўйича мурожаат қилиш борасида пухта малакага эга қуролли ҳимоячиларимиз яхши натижалар кўрсатдилар.

Синов машғулотлари кўнгилдагидек кўрсаткичлар билан бошланди. Бундан янада руҳланган бўлинмамиз жангчилари навбатдаги имтиҳонлардан ҳам муваффақиятли ўтиш учун бутун диққат-эътиборни жамлаганлар.

**Кичик сержант Алишер СУЛТОНОВ,**
**(Самарқанд гарнизони).**

● ҚОНУННИ ЎРГАНАМИЗ

# Бўлғуси ҳуқуқшунослар ҳузурида

Қонун устуворлигини таъмин этиш ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлида жуда муҳим. Бунинг учун эса ўз навбатида ҳуқуқий маданиятимиз шаклланган бўлмоғи керак. Агар бу борада посбонларимиз ўртасида қандай ишлар олиб борилмоқда, деган савол туғилса, фақат ҳарбий адлия соҳаси вакилларининг кенг кўламдаги фаолиятию, ҳуқуқий билимлар ягона куни тадбирларининг ўзи билангина бунга узоқ тўхталиш мумкин. Бунга Тошкент давлат юридик институти билан ҳамкорликни ҳам қўшадиган бўлсак, нур устига аъло нур бўлади. Таъкидлаш жоизки, Мудофаа вазирлиги билан мазкур институт раҳбарияти ўртасида 2003—2004 йилларга мўлжалланган ҳамкорликдаги дастур имзоланган. Яқинда айнан шу дастур доирасида вазирлик ва институтнинг ҳуқуқий тарғибот ҳамда маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунни ўрганишга бағишланган ўқув-услубий машғулот бўлиб ўтди. Ушбу машғулотда иштирок этган Мудофаа вазирлигининг Давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бошқармаси бошлиғи майор Ислом Иноятов бу хусусда, жумладан, шундай деди:

— Маълумки, янги таҳрирдаги Қонун кўпчилик фуқароларимизда қизиқиш уйғотмоқда. Бу эса Қонун моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, тушунтиришни тақозо этаяпти. Машғулотдан кўзда тутилган мақсад ҳам ана шу, аслида. Талабалар, бўлғуси ҳуқуқшунослар бу борада бизнинг фаол тарғиботчиларимиздир. Шунинг учун ҳам машғулотни айнан мазкур институтда ўтказдик. Айниқса, талабаларни чақирув билан боғлиқ масалалар жудаям қизиқтирди. «Нега танлов асосида ўтказилаяпти, руҳий мезонга нега эътибор қаратилган?», каби кўплаб саволлар беришиб, баҳс-мунозарага киришишди. Машғулот баҳона ҳуқуқий билимлар ягона кунларини ташкиллаштиришда мутахассис юристлар, бўлғуси ҳуқуқшуносларнинг ҳамкорлиги билан боғлиқ масалада ҳам келишиб олдик.

Машғулотда асосан институтнинг бакалавр ва магистрлари, маънавият ва маърифат маркази ходимлари иштирок этишди.

**Капитан Алижон САФАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

# Аскар бўламан

Мен Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидан ҳарбий хизматга чақириляпман. Исмим Қудрат. Ростини айтсам, ёшлигимда ҳарбийларни кўрганимда ўзимга савол берардим: «Қачон менга ҳам ҳарбий либос кийиш насиб қилар экан?». Мана, бу йилги баҳорги чақирувда мен ниятимга етдим.

Мактабда яхши баҳоларга ўқиб, спорт билан мунтазам шуғулланганим боис танловнинг саломатлик, билим, ақлий даража, ижтимоий аҳвол ҳамда жисмоний тайёргарлик каби мезонларига жавоб бериш мен учун мураккаблик туғдирмади. Танловдан ўтдим. Бошида анчагина ҳаяжонландим. Уйдагилар танловдаги муваффақиятларимдан мен билан баравар қувондилар.

Маҳалладошларим Тоҳир Исаев, Сирожиддин Ниёзов ва Одилбек Шодиевлар ҳам танловдан муваффақиятли ўтдилар. Бизга билдирилган ишончни ёруғ юз билан, ғурур билан оқлаймиз, дея сўз бераман.

**Қудрат ОХУНОВ.**

